

YUSUPOVA Nigora Jaloliddin qizi
*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi,
Ijtimoiy fanlar va huquq kafedra mudiri,
yuridik fanlar doktori, professor*

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЕНГ
ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАРДА
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИ
(Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти Бош Ассамблеясининг
80-сессиясидаги нутқи асосидаги
таҳлиллар)**

**РОЛЬ ЖЕНЩИН В
ШИРОКОМАСШТАБНЫХ
РЕФОРМАХ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**THE ROLE OF WOMEN IN LARGE-
SCALE REFORMS IN UZBEKISTAN**

Аннотация: Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаётининг умумижтимоий жиҳатлари, унинг маданий-маънавий хусусиятларини ҳамда оилавий муносабатларни йўлга қўйишнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий-ташқиллий жиҳатдан ўзига хослигини ҳар томонлама ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Масаланинг долзарблиги шундаки, биринчидан, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек халқи маънавиятини, жумладан, ҳуқуқий саводхонлигини соғломлаштириш жараёнида аёллар масаласига оид қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруриятидир. Иккинчидан, бугунги кунда аёлларнинг оилада ва жамиятда тутган ўринларини янада оширишда дунё тажрибасини ўрганиш орқали ечимни топиш лозим бўлган масалаларда улардан фойдаланиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив ҳужжатларда белгиланган аёл ҳуқуқларига оид вазифаларнинг маънавий, ҳуқуқий, тарбиявий, таълимий омиллари давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи асосидаги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Хотин-қизлар, гендер, оила, аёллар ҳуқуқи, тенглик, иқтисодий,

ижтимоий, сиёсий, халқаро стандартлар, миллий қадриятлар.

Аннотация: На сегодняшний день комплексное изучение социальных аспектов, культурных и духовных, а также социально-экономических, правовых, образовательных и организационных особенностей женского вопроса в нашей стране является одним из наиболее актуальных вопросов. Актуальность вопроса заключается в том, что, прежде всего, на современном этапе развития нашего общества социально необходимо провести научный анализ правовых норм относительно женского вопроса в процессе повышения духовности узбекского народа, в том числе правовой грамотности. Во-вторых, анализируя и изучая основные принципы правовых норм необходимо правильно использовать эти знания при улучшении роли женщин в семье и обществе, что на сегодняшний день очень актуально.

В связи с этим в данной статье Проанализированы духовные, правовые, образовательные факторы прав женщин, изложенные в нормативных актах, принятых в Республике Узбекистан, на основе выступления главы нашего государства на 80-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций.

Ключевые слова: Женщины, гендер, семья, права женщин, равенство, экономические, социальные, политические, международные стандарты, национальные ценности.

Annotation: Today, a comprehensive study of the social, cultural, and spiritual aspects, as well as the socioeconomic, legal, educational, and organizational aspects of women's issues in our country, is one of the most pressing issues. This issue is particularly relevant because, first and foremost, at the current stage of our society's development, it is socially imperative to conduct a scientific analysis of legal norms regarding women's issues in the process of raising the spirituality of the Uzbek people, including legal literacy. Secondly, by analyzing and studying the fundamental principles of legal norms, it is necessary to correctly apply this knowledge to improving the role of women in the family and society, which is highly relevant today.

In this regard, this article analyzes the spiritual, legal, and educational factors of women's rights, set out in the regulatory acts adopted in the Republic of Uzbekistan, based on the speech of the head of our state at the 80th session of the General Assembly of the United Nations.

Keywords: Women, gender, family, women's rights, equality, economic, social, political, international standards, national values.

КИРИШ

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-562-сонли “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунда, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам «Гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш.» [1:1], шунингдек «... хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш...» [2:2] каби вазифалар назарда тутилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бугун Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори ўз миллий кийёфасида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган ижобий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда майдонга чиқмоқди. Бу давр жамиятимизда аёлларни улуғлаш, давлат томонидан уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишнинг далили сифатида тарихда ёрқин из қолдиради.

Куни кеча барчамиз катта бир ҳаёжон билан кузатганимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганларидек: “Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини бундан буён ҳам мустаҳкамлашни мақсад қилганмиз. Кенг минтақамиз миқёсида эса Осиё хотин-қизлар форумини доимий платформага айлантириб, мунтазам ўтказиб бориш тарафдоримиз”[3:3]

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида демократик фуқаролик жамияти қуриш

жараёнида жамиятимизда янгича сиёсий муносабатлар, янгича сиёсий дунёқараш, янгича сиёсий маданият шаклланимоқда. Мазкур демократик сиёсий маданиятнинг тараққиёт жараёнида хотинқизлар манфаатлари янги миқёсда ва мазмунда намоён этилиши, тўлақонли амал қилиниши, жамият онгида мунтазам жой олиши ва ниҳоят ҳар қандай шароитда ўзлигини йўқотмаслиги лозим.

Ўзбекистонда учинчи ренессансни шакллантириш даврида хотинқизларга бўлган муносабат ҳамда улар ҳаётини тажрибаси, интеллектуал салоҳияти ва имкониятларидан бунёд этилаётган жамият ривожини учун фойдаланиш ана шу қурилаётган давлатчилик асосларининг либераллиги ва илғорлигидан далолат беради. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги бизнинг давлатчилигимиз учун муҳим бўлган масалалардан бири хотинқизларни бунёдкорлик жараёнларига не чоғли жалб этилиши, уларнинг бугунги кун жамиятида қанчалик ўзини керакли идрок этиши масаласидир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқида: “Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила кўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”, дея таъкидлаган.

Айтиш лозимки, бугун дунё миқёсида аёл ҳуқуқларига инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳо бериш бутун жаҳон тараққийпарвар тафаккурида кечаётган ижобий ўзгаришлар самарасидир. Шу боис, XXI асрда, барчамиз учун демократия талаблари, фуқаролик жамияти қадриятлари ҳамда аёллар масаласини ҳуқуқий тамойилларини тушунтириб бериш ва ана шу қадриятлар ҳамоҳанглиги ва мутаносиблигини тўғри англаб етиш аҳамиятлидир.

Маълумки, ҳуқуқий давлатда инсон бутун ижтимоий механизмнинг марказини ташкил этиб, ушбу механизмнинг манфаатларига хизмат қилади. Зеро, инсон манфаатлари

таъминланган, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган давлатнигина ҳуқуқий давлат дейиш мумкин. Шу ўринда, аёллар масаласи таҳлил этилганда бир муҳим нарсга алоҳида урғу бериш ҳам лозим, яъни аёл ҳуқуқлари фақатгина ҳуқуқий ҳолат бўлмай, балки сиёсат, маънавият ва маърифат, диний эътиқод ва фалсафа, жамиятдаги турли ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ ҳолатдир. Аёл ҳуқуқлари кўп қиррали, муаммоли ва мураккаб бўлиб, турли замонларда турлича намоён бўлган. Лекин унинг сиёсий манфаатлар билан боғлиқ хусусияти ҳамиша сақланиб, у турли шаклда ўрганилган.

Бугун республикамызда аёлга, оилага ҳурмат давлат сиёсати даражага кўтарилиб, қонунчилик нормаларининг асосий қоидалари сифатида эътироф этилган. Ушбу нормаларда аёлнинг жамиятда ва оилада тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари шарқона турмуш тарзи, оила ҳаётининг маънавий, ахлоқий, иқтисодий ва ҳуқуқий нормаларини иноватга олган ҳолда белгилаб берилган. Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларни эъзозлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этишдек инсоний бурчларни адо этиш борасида бир қатор амалий дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Замоннинг аёлга муносабати мавзусини Ўзбекистон тажрибасида таҳлил қиладиган бўлсак, сўнги йилларда бу йўналишда реал, аниқ, режалаштирилган давлат сиёсати олиб борилаётганлиги натижасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилаётганлигининг тарихан шохиди бўлмоқдамыз, кўплаб норматив ҳужжатлар орқали мамлакатимизда аёллар масалалари билан боғлиқ ижобий ислохотлар янги босқичда такомиллаштирилиб боришмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аёллар соғлиқни сақлаш, таълим тизимида, давлат бошқарувининг турли йўналишларида, тадбиркорлик фаолиятида фаоллик кўрсатмоқдалар. Сўнги йилларда аёлларнинг таълими, мутахассилик ва илмий салоҳиятини ўстириш учун барча лозим чоралар давлат томонидан қафолатланганлиги Ўзбекистонда аёллар фаоллигини оширишда кенг ислохотлар олиб борилаётганлигидан дарак беради.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Демак, бугунги кунда биз учун муҳим бўлган хулоса шуки, бутун бир жамият аёллар фаоллигидан манфаат олмоғи лозим. Ана шу фаоллик ва идроклиликни барча соҳаларда акс этиши, яъни аёлларимиз онгли тарзда мамлакатда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик муносабатида бўлишларига эришиш замонамизнинг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Чунки аёл фуқаролик жамияти асоси бўлган фуқароларни тарбиялаш, демократик ва толерант тафаккур, тараққиёт ва ривожланишга камарбасталик каби жамият учун ўта долзарб ва муҳим масалаларни ижобий ҳал этиб бера олиш қудратига эгадир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг хотин-қизлар билан мулоқотдаги нутқларида ҳақли таъкидлаганларидек: “оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонати, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга” [4:4] ҳисобланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан асосли равишда қуйидаги саволлар келиб чиқади: мамлакатимизда хотин-қизлар учун барча йўналишларда кенг қамровли имкониятлар яратилаётган экан, бу борада лозим даражада ҳуқуқий база ҳам мустаҳкамланаётган экан ҳўш, аёлларимиз давримиз ва давлатимиз учун қайси вазифаларни бажариши лозим, қандай йўналишларда ўзларининг ҳаётий тажрибаси, ақл идроки, салоҳияти ва меҳрини аямаслиги лозим. Аёлларимиздан давр нималарни кутмоқда, давлатимиз аёлларимиздан қандай масалларнинг ечимида умид қилмоқда? Албатта авлод сўзини қатъият ва ишонч билан такидлаган бўлар эдик. Белгиланган истикбол вазифаларни уддалай оладиган авлодни яратиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги аёлларнинг ўз замонаси олдидаги масъулиятли ва муқаддас вазифасидир. Чунки фуқаролик жамиятининг зарурий хомашёси – шу жамиятда яшашга тайёр бўлган фуқародир. Аёлларимизга қарата “Бола ўстирманг, фуқаро тарбияланг” деган шиор бугунги кун талабидир.

Зеро, бугун бизнинг жамиятимиз янги сиёсий муносабатлар шаклланиш жараёнининг илк босқичида турибди. Шу боис, аёлларга кенг ҳуқуқлар берилиши ва имкониятларнинг таъминланиши бизнинг демократик ва фуқаролик жамияти куриш борасидаги мақсадимизга тўғри келади ва ана шу мақсадларнинг амалийлигини таъминлайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида:

Биринчидан, Ўзбекистон шароитида аёллар тафаккурида толерант тафаккурни шакллантириш, мафкуравий уйғоқлик ва сезгирликни улар онгига сингдириш фуқаролик жамиятининг асосларини кучайтириш омилларидан биридир. Нима учун аёл бағрикенг, тафаккури уйғоқ мушоҳадали, сиёсий жиҳатдан онгли бўлмоғи лозим? Чунки аёл фарзанд тарбиясига масъул шахсдир, онанинг тафаккури фарзанднинг тафаккурини келажакдаги фуқаронинг тафаккурини шакллантиради. Ана шу тафаккурнинг тўғри танланиши давлат тараққиётига таъсир қилади. Шу боис, бугунги кунда аёлнинг тафаккури ва дунёқараши кенг, чуқур билимли бўлмоғи давр талабидир.

Иккинчидан, бугунги кунда Ўзбекистонда аёлларнинг интеллектуал салоҳияти анчагина юқори бўлиб, ана шу интеллектуал бойликдан жамият тараққиётида самарали фойдаланиш ҳамда аёлларни ислохотлар жараёнларига, яъни жамиятнинг янгиланиш жараёнларига сафарбар этиш давлатимиз томонидан кенг амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022 й. – № 4. – 69-м.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018. 29 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи// <https://president.uz/uz/lists/view/8525>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. 06.03.2021. 06.03.2021 // <https://president.uz/uz/lists/view/4212>